

жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсаганинг олдида кавушга жой бермай, кавуш билан аралашиб, ит йиқилиш бўлиб, пойга бетда ётар эди. Тўрда ўтирган каттаман деб юрганларнинг ҳеч бир қайсисидан гап, сазо чиқмагандан кейин, пойга бетдан Яртибой ўрнидан туриб, маслаҳат шул-да, деб Бойсарининг сўзига жавоб бериб, Бойсарига қараб бир сўз деб турибди...”

Умуман, ёш авлодининг ижтимоий фаоллигини шакллантириш, маънавий баркамоллигини такомил топтиришда маънавий қадриятларга оид материалларнинг дарсликларда берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шу жумладан, ота-боболаримиз турмуш тарзининг энг ёрқин намунаси сифатида ўтовсозлик ва у билан боғлиқ қадриятларни асарлар таҳлили давомида ўрганиб бориш таълим ва тарбия жараёнида керакли самаралар беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
- 2.Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Шарқ, 2010.
- 3.Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. Иккинчи нашри. – Тошкент, 2009.
- 4.Тўйчибоев Б., Қашқарли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент, 2012.
- 5.Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1991.

УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ ОЗАРЧА БАЪЗИ ТАРЖИМАЛАРИ ХУСУСИДА

Норова Насиба,
БухДУ ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада таниқли ва истъдодли таржимон Усмон Қўчқорнинг озарча таржималари хусусида сўз боради. Маҳоратли озар шоири Ҳусайн Курдўғлининг шеърлари таҳлилга тортилган.

Калит сўз: *бадий ижод, таржима, шеър, наср, озар, маҳорат, услуб*

Қадимдан адабиёт жаҳон халқлари маданияти, тили, дини, урф-одатлари ва кадриятларини боғловчи кўприк вазифасини бажаради. Мумтоз ва замонавий ўзбек, қозок, қирғиз, қрим-татар, озар, турк, рус, англиз, япон, хитой каби қардош ва қардош бўлмаган халқлар адабиёти орқали уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, анъаналаридан хабардор бўламиз, муштарак жиҳатларини муқояса қиламиз.

Ўзга тилдаги асарни аслиятига мос тарзда китобхонга етказиш таржимондан маҳорат, ўзига хос услуб, сўзни ўрнида қўллаш каби катта масъулиятни талаб этади. Таржима ва таржимонлик узоқ асрлардан буён дунё халқлари тарихи ва маданиятида шаклланиб келаётган кўҳна ижодий фаолият соҳаларидан биридир. Ер юзининг турли қитъалари ва минтақаларида бир неча минг йилдан буён умргузаронлик қилиб келаётган одамзод насллари ўз ижодкорлик ҳаваслари, қизиқишлари, имкониятлари, манфаатларини таржима воситасида ҳам намоён қилди. Уни халқлараро алоқа воситасига айлантирди, ундан ҳамма вақт самарали тарзда фойдаланди. Таржимонлик жуда қийин ва масъулиятли бўлса-да, доимо ижодий нафас билан яшаш, ижоднинг тирик томирини ушлаб туришга бўлган улкан эҳтиёжнинг мевасидир.

XX асрда фаол таржимонлик мактабига асос солинди. Мирзакалон Исмоилий, Чўлпон, Ойбек, Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров, Мирза Кенжабек, Низом Комилов каби мутаржимлар бу мактабнинг ёрқин вакилларикиди. Ушбу анъанани Усмон Қўчқор ҳам муносиб давом эттирди. Шеърый китоблар, дostonлар, драматик асарлар муаллифи, Усмон Қўчқор моҳир таржимон сифатида озар адабиётидан қатор асарларни таржима қилиб, ўзбек китобхони ҳукмига ҳавола қилди.

Шоирнинг озар адабиётидан қилган таржималари ҳақида фикр юритган профессор И.Ҳаққулов: “Усмон юракдан туркий дунё билан боғланган замонасининг зиёлиларидан бири эди. Маълумки, озарбайжон адабиёти дунёга Низомий, Насимий, Фузулий, Воқиф, Ҳусайн Жовид сингари даҳо санъаткорларни камолга етказиб берган. Буюк Насимий одамни ўзини билишини Ҳақни билиш билан тенг қўйган:

*Гар сени сен танимишсан бегумон,
Сендадур Ҳақ, Сенда кўр Ҳақни аён.*

Усмон мана шундай маърифат султонлари от сурган адабиётнинг чин ошиғи эди”. [1,5] Чиндан ҳам инсон ўзлигини англаши, Ҳақни англашга йўл очади. Усмон Қўчқор таржималари ҳам ана шу ҳақиқатни исботлайди. Усмон Қўчқор озар адабиёти ва унинг сеҳрли оламига курсдош дўстлари Акиф билан Яшарнинг таъсирида эргашди. “Иқро” шеъри ана шу икки дўстига бағишланади. Шеърга машҳур озар байтларидан:

Азизим, бахтиёрим,

Кўнглимнинг тахти ёрим.

Юзингда кўз изи бор,

Сенга ким боқди, ёрим,—

сатрлари эпиграф қилиб танланганлиги ҳам бежиз эмас. Ушбу мисралар тўрт марта нақарот вазифасида ишлатилган. Шеър икки қисмдан иборат бўлиб, ўзбек халқи билан қардош халқларнинг тили, дини, маданияти, урф-одатлари бирлигига ишора қилинади. Шоир озарча оҳангни ҳам шеър якунигача сақлаб қолади.

“Тил” не дедим, “дил” дединг.

“Дил” не дедим, “дил” дединг.

“Маним тилу дилим бир,

Ухлама, ғофил”, дединг. [2,46]

Халқни чинакам адолат, эрк ғоялари билан уйғотишни истайди. Ушбу сатрлардаги “Ухлама, ғофил” бирлиги Ҳамзанинг “Ухлама ўзбек эли, асри тараққий пайтида” мисралари янғлиғ бонг бўлди. Усмон Қўчқор Юсуф Самад ўғлининг “Қатл куни” (1991), Жалил Маммадқулизоданинг “Донобош қишлоғи аҳволотлари” (1992) номли асарларини, Саййид Имодиддин Насимий шеърларини таржима қилиш орқали халқимизни озар адабиёти намуналари билан таништириш фаолиятини бошлади. Насимийнинг “Мен бу жаҳонга сиғмасман” номли китоби Усмон Қўчқор ва Эргаш Очиловлар томонидан ҳаммуаллифликда нашр қилинди. Усмон Қўчқор озар тилидан таржима қилишда давом этиб, бетакрор таржималари туфайли озар адабиёти вакиллариининг ҳам эҳтиромига сазовор бўлди. У Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темур” ва “Шайх Санъон” драмаларини, Собир Рустамхонлининг “Кўк тангри”, Юнус Ўғузнинг “Султон Алп Арслон”, “Малика ва жодугар”, “Амир Темур” асарларини, Анорнинг “Мен, сен, у ва телефон”, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”, Бакир Чўпонзоданинг “Бир сарой куражакман”

асарларини озар тилидан ўзбек тилига ўгирди. Озар шоири Ҳидоятнинг шеърлари Усмон Қўчқор таржимасида “Тоғлар қўшиғи” номи билан 2011 йилда чоп этилди. Худди шундай Ҳусайн Курдўғлининг “Сайланма”си 2014 йилда, Елчиннинг “Танланган асарлари” биринчи ва иккинчи жилд сифатида 2017 йилда ўзбек китобхонига етказилди.

Катта адабиёт даргоҳига кириб келган шоирларнинг ўз услуби, шеърий тажрибаси, ўзига хос инжа “мен”и бўлганидек, ўзига хос қисмати ҳам бор. Усмон Қўчқор ҳам мутаржимликни қисмати деб билди. Ватан ва миллат тақдирига даҳлдор шоирлар асарларини таржима қилишдан тўхтамади.

Шундай ижодкорлардан бири озар адабиётининг етук вакили Ҳусайн Қўрдўғлидир. “Ҳусайн Қўрдўғли – замон ва миллат шоири. Гарчи ўз даври уни етарли даражада эъзозлай билмаган бўлмаса-да, у ҳамма замонларда ўкиладиган, нафақат ўз миллий тили, балки ўнлаб тилларда гапира оладиган, шу билан бирга турли эллатларнинг эътиборини қозонадиган, ўз қалби ҳақидаги ҳақиқатларга ишонтирадиган шоир эканлиги унинг “Сайланмаси” дан маълум бўлади.

Озарбайжон шоири Ҳусайн Қўрдўғлининг энг дардман шеърлардан тузилган мазкур тўплам умумий мундарижаси инсон қалбининг турли қатларидан жой олган рангин туйғулар асосида қурилган. Инсон туйғулари қалбдан қалбга осонгина йўл топар экан, бунда мутаржимнинг ҳам маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Усмон Қўчқор масъулиятли вазифани бажаришда шоир шахсияти, кечмиши, миллат тақдири ва қимматига елкадош эканлигини юракдан ҳис қилади.

Денгиздан чиқмасин Ватан виқори,

Денгиз доғлари, тоғлари қори,

Уйлар вайрон бўлди, қолди девори,

Ўти ёниб ётган ўчоқ сеники,

Қочма, болам, бу тупроқ сеники! [3,68]

Таржиманинг таъсири Усмон Қўчқор шеъриятига ҳам кўчган. У тупроқ образига кўп бор мурожаат қилган. Ҳусайн Қўрдўғлининг “Бермасман”, “Ватансиз бўлгайми”, “Енгилмаган бир байроққа дўндингиз”, “Туман, хой туман”, “Турна мазори”, “Менинг бу тоғларга бир ҳасратим бор”, “Қайта ундим кўкардим”, “Эл англари мени”, “Ёмон ғичирлайди ўксик эшигим”, “Сиёсат”, “Улуғ бобом чуғига келмишман”, “Озар” каби шеърларида ҳам

ватанпарварлик туйғусини ифодалаш етакчилик қилади. Элнинг дардман шоири қиёфаси гавдаланади.

Насрдаги таржимага қараганда шеърий таржималарнинг ўзига хос мураккаблиги бор. “Шеърий таржиманинг энг асосий вазифаси яхши шеър таржимасида ёмон шеърга айланиб қолмаслигига ҳаракат қилиш, таржима мазмунини бориचा сақлаб қолиш, шеърий шакллариининг шеър мазмунига мос равишда ҳам вазнини, ҳам оҳангини сақлаб қолиш ҳисобланади”. [4,196]

Усмон Қўчқор шоир бўлганлиги учун ҳам ана шу ҳақиқатга амал қилган. Яъни аслиятни сақлаб қолишга интилган ва мақсадига эришган. Шоир ўз қисматида “Ўксик эшигим” шеърида сўз очиб:

Кўргани нимадир : қогоз ва қалам

Севинчлар меҳмондир, мезбонидир ғам.

Фақат ширин-ширин хаёллар ҳамдам,

... Ҳавас, ҳасрат билан қоққанлар борми?

Қадр дарёсида оққанлар борми,

Ёмон гичирлайди ўксик эшигим. [2,27]

“Шоирни элга унинг тақризчилари, ноширлари эмас, балки унинг сўзи танитади”, [4,32] – деб ёзади адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев. Чиндан ҳам озар адабиётининг етук намояндаларидан бири, маҳоратли ижодкор Ҳ.Курдўғли ўзига хос овози билан ўзбек китобхонига танилди. Гўёки шеърлари ўзбек тилида ёзилгандек жаранг сочди. Илк бор Усмон Қўчқор томонидан (шеърлар, иккиликлар, учликлар, баётлар, тўртликлар, ғазаллар)ни ўз ичига олган “Сайланмаси”и таржима қилинди.

Адабий алоқалар қадимдан жаҳон халқлари маданиятларини бирлаштирувчи бир-бирига яқинлаштирувчи восита. Ўзбек-озар адабиёти ҳам ана шу маданиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. “Озарбайжон шоирлари анталогияси” ўзбек тилида чоп этилди. Ушбу китобда XX аср Озарбайжон адабиётининг ўрта авлод вакиллари ижоди билан бир қаторда бугунги кунда мумтоз анъаналарни муваффақият билан давом эттираётган, шунингдек, модернистик усулларда ҳам ижод қилаётган замонавий шоирлардан 74 нафари саралаб олинган. Усмон Қўчқорнинг ҳам ушбу тўплам таржимасида ҳиссаси катта. У Саид Муҳаммадхусан, Шаҳриёр, Бахтиёр Ваҳобзода, Расул Ризо, Қулу Оқсас, Салим Бобоулло ўғли, Болаёр Содик, Диёнат Усмонли

каби (34 нафар) шоирларнинг шеърларини ўзбек китобхони ҳукмига ҳавола қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳаққул И. Шоир нафаси – ўчмас нафас. <https://kh.davron.uz/kutubxona/uzbek/ibrohim-haqqul-shoir-nafasi-ochmas-nafas-usmon-qochqorni-xotirlab.html>
2. Қўчқор У. Ҳаяжонга кўмилган дунё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б. 46.
3. Ҳусайн Курдўғли. Сайланма (Усмон Қучқор таржимаси). – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2014. – Б. 68.
4. Ғафуров И., Мўминов О ва бошқалар. Шеърый таржима хусусида – Тошкент: Tafakkur Bo‘stoni, 2012. – Б.196.
5. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Фил. фан доктори дис. автореф. – Тошкент: 1996. – Б.32.

ABDULLA ORIPOV SHE’RIYATIDA TALMEH VA UNING KO‘RINISHLARI

Bozorova Gulmira Botirovna,

BuxDU 2-

bosqich talabasi

Annotatsiya: maqolada Abdulla Oripovning talmeh san’atidan foydalanish mahorati haqida fikr yuritilgan. Shoir qo‘llagan talmehlarning mohiyati va uning ichki ko‘rinishlari tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: badiiy san’atlar, talmeh, tarixiy shaxslar, mashhur asarlar, asar qahramonlari, yulduz nomlari, payg‘ambarlar.

О‘zbekiston Qahramoni, xalq shoiri Abdulla Oripov she’rlarida ko‘p qo‘llangan badiiy san’atlardan biri talmehdir. Talmeh arabcha so‘z bo‘lib, ma’nosi “chaqmoq chaqilishi”, “bir nazar tashlash” demakdir. Badiiy san’at sifatida u tarixiy va afsonaviy voqea, masal, shaxs, mashhur asar va qahramonlar nomiga ishora qilish vositasida fikrni qisqa, ixcham tasvirlashga xizmat qiladi. Shoir ijodida ham talmehning bir qancha ko‘rinishlariga guvoh bo‘lishimiz mumkin:

1.Tarixiy shaxslar nomini keltirish orqali talmeh san’atini hosil qilish.

Mangu ekzotika – Rimni u qurdi,
Biroq tiyolmadi ko‘zda yoshini
Yuragiga **Sezar** nayzasin urdi.